

## ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШДА СОЛИҚ АУДИТИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Абдуллаев Аброр Бозарбоевич*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Молиявий таҳлил" кафедраси доценти,*

*PhD., abdullayev\_abror@tsue.uz*

*ORCID: 0000-0001-8981-6708*

## ISSUES OF ENHANCING THE ROLE OF TAX AUDITS IN REDUCING THE SHADOW ECONOMY

*Associate Professor of the Department of "Financial Analysis" of Tashkent State University of Economics, PhD., abdullayev\_abror@tsue.uz*

*ORCID: 0000-0001-8981-6708*

### **JEL classification: O23 H26**

**Аннотация.** Мақолада яширин иқтисодиётни қисқартириш шароитида солиқ аудитининг аҳамияти, унинг мазмун-моҳияти, уни ўтказиш шакллари ва солиқ аудитининг самарали натижалари ёритиб берилган. Мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларида ўтказилган солиқ аудитининг натижалари аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари, яширилган даромадлар, қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари ҳамда жарималар сони кўрсаткичлари асосида таҳлил қилинган. Шу билан биргаликда, солиқ аудити натижалари соҳалар кесимида ҳам таҳлил этилиб, солиқ аудитининг ролини ошириш заруратлари асослаб берилган.

**Калим сўзлар:** аудит, солиқ аудити, солиқ тўловлари, солиқ мажбуриятлари, солиқ тизими, яширин иқтисодиёт, хуфиёна айланма.

**Abstract.** This article examines the significance of tax audits in reducing the shadow economy, revealing their essence, forms of implementation, and effective outcomes. The results of tax audits conducted on business entities in our country were analyzed based on identified violations, concealed income, amounts of additionally accrued taxes, and the number of fines

imposed. Moreover, the results of tax audits were analyzed across different industries, and the necessity of enhancing the role of tax audits was substantiated.

**Keywords:** audit, tax audit, tax payments, tax liabilities, taxation system, shadow economy, hidden turnover.

### **Кириш**

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида барча йўналишда жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, солиқ тизими ва солиқланиш жараёнларига бир қанча янгиликлар ҳамда ўзгартиришлар киритилди. Тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Шу сабабли корхоналарни солиқлар бўйича мажбуриятларини бажаришлари учун уларга бир қанча қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, солиқ имтиёзлари, солиқ ҳисоботларини рақамлаштирилганлиги ва солиқ текширувларининг қисқартирилганлиги шулар жумласидандир. Тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар берилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги 394-сон "Ўзбекистон Республикасида "Яширин иқтисодиёт" улушини қисқартириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “йўл харитасида” белгиланган ишларни амалга оширилаётганлигига қарамасдан бугунги кунда мамлакатимизда хуфёна иқтисодиётнинг улуши салмоқли даражада қолмоқда. Зеро, масаланинг нечоғлик жиддий эканлиги давлат раҳбари томонидан ҳам алоҳида таъкидланмоқда. Хусусан, бу борада президентимиз шундай деган эдилар: “Бугунги кундаги энг долзарб масала бу – яширин иқтисодиёт. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги, хизматлар, қурилиш, саноат соҳаларида катта миқдордаги айланма “соя”да қолмоқда. Ўзбекистонда яширин иқтисодиётдан давлат бюджетига 30 трлн сўм, ялпи ички маҳсулотга 135 трлн сўм зарар етказилган. Деярли 11 мингта корхона (41 фоиз) ҳисоботларида фақат 1 кишини ишчи сифатида кўрсатган. Яширин иқтисодиёт тўғри ишлаётган тадбиркорларга катта тўсиқ бўляпти.”[1] Дарҳақиқат, бу улкан рақамларни ижобий томонга ўзгартириш, давлат бюджети ва ялпи ички маҳсулотни янада оширишда хуфёна айланмаларга қарши таъсирчан чора-тадйорларни белгилаш муҳим ҳисобланади. Жумладан, “яширин иқтисодиёт”нинг асосий сабабларидан бири сифатида солиқлар бўйича мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажармаслик бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони бартараф этишда яъни иқтисодий шаффофликни таъминлашда, бюджет даромадларини ўз вақтида шаклланишида ҳамда оширилишида солиқ аудитининг аҳамияти юқори ҳисобланади.

Солиқ аудити орқали бизнес субъектлари томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг қонунчиликка мувофиқ тарзда ҳисоблаб, тўлаб берилаётганлигига баҳо берилади. Шундай экан фақатгина, камерал солиқ

текширувлари ёхуд сайёр текширувлар билан чекланиб қолмасдан, солиқ аудитига эътиборни кучайтириш зарур. Шунингдек, солиқ аудитининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти қонунийлигини таъминлаш, уларнинг барқарорлик рейтингидаги ўринларини яхшилаш, солиқ органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан самарали алоқаларини йўлга қўйишда қанчалик муҳим эканлиги илмий тадқиқотлар асосида очиб берилиши ва жамоатчиликка ҳавола этилиши мақсадга мувофиқдир.

### Мунозара

Солиқ аудити тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 140-моддасида қуйидагича таъриф берилган.

Солиқ аудити – муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш.[2]

Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.01.2021 йилдаги 1-сон қарорининг “Солиқ текширувларининг турлари ва хусусиятлари” номли 2-бобнинг 8-бандида солиқ аудитига қуйидагича таъриф берилган:

Солиқ аудити - солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) муайян даврдаги молия ва солиқ ҳисоботларининг солиқ тўғрисидаги қонунчиликка барча жиҳатлардан мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини, солиқ солиш мақсадларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олишда солиқ мажбуриятларининг тўғри шакллантирилиши ва акс эттирилишини солиқ органи томонидан ўтказиладиган ўрганиш орқали солиқларни тўғри

ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текширишдир.[3]

Солиқ аудити масаласи бўйича ўрганилган илмий ишларни ҳисобга олган ҳолда унга қуйидаги таърифни бериш мумкин: солиқ аудити – корхонанинг солиқ ҳисоби, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши, корхона фаолиятидаги солиқ таваккалчилигини ҳар томонлама мустақил текширишдир.

Солиқ аудити - бу текширилаётган корхонанинг солиқ ҳисоботини ҳар томонлама қайта кўриб чиқишни таъминлайдиган хизматдир. Солиқ аудити бухгалтерия ҳисоби ёки молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнида йўл қўйилган барча ноаниқликларни аниқлаш ёки Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига зид бўлган барча номувофиқликларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

Солиқ аудитининг асосий мақсади - солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо чораларининг олдини олишдир. Солиқ текширувини ўтказиш жараёнида компания-аудитор солиққа тортишни оптимallasштириш ва режалаштириш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилишга ва уларни миқдорнинг манфаатларига риоя қилган ҳолда ҳал қилишга ҳаракат қилади.

### Методлар

Тадқиқот жараёнида таҳлил қилиш, қиёсий таққослаш, гуруҳлаш, монографик кузатиш, мантиқий ва абстракт фикрлаш усулларида кенг фойдаланилган.

### Натижалар

Бугунги кунда солиқ аудити солиқ сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. У тадбиркорлик субъектларига солиқ қонунчилигига амал қилишга, солиқ тўловчиларнинг нотўғри ҳаракатларини аниқлашга ва хуфийна

иқтисодиётнинг улушини камайтиришга хизмат қилади.

Амалиётда солиқ аудитининг қуйидаги турлари мавжуд:

- Режали солиқ аудити — Солиқ органлари солиқ тўловчиларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва юқори хавфларнинг аниқланишига асосланиб, аниқланган тўловчиларни аудитга киритади;

- Режадан ташқари солиқ аудити — Солиқ органи томонидан тадбиркорларга нисбатан ариза, шикоят ёки маълумотлар асосида ўтказилади;

- Қайта ўтказиладиган солиқ аудити — Олдинги аудит натижаларига асосан қайта текширув ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” Қарорига асосан солиқ аудити қуйидаги солиқ тўловчиларда ўтказилади:[3]

-солиқ таваккалчилигининг юқори тоифасига мансуб бўлган;

-камерал солиқ текшируви натижаси бўйича солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаса (шу жумладан, аниқлаштирилган талабномадан кейин), ёхуд аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаса, ёки у тақдим этган асосномалар етарли эмас деб топилган ҳолларда;

-ихтиёрий тугатилаётган юридик шахсларда (солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг солиқлар бўйича хулосалари мавжуд бўлган солиқ тўловчилар бундан мустасно);

-солиқ тўловчиларнинг жиноий ишлар бўйича молия-

хўжалик фаолияти тафтиш қилиниши доирасида;

-фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркорлар, қатъий белгиланган миқдорда ёки декларация асосида жисмоний шахслардан даромад солиғини тўлайдиганлардан ташқари.

Мамлакатимиздаги солиқ қонунчилигига асосан солиқларнинг

тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ўз вақтида тўланиши, қардорликларни аниқлаш ва солиқ қонунчилигини бузмасликни назорат қилиш мақсадида солиқ аудити текширувлари ўтказилган. Ушбу текширувлар натижалари қуйидаги рақамларда ўз аксини топган (1-жадвал).

1-жадвал

### 2019-2023 йилларда ўтказилган солиқ аудитлари таҳлили<sup>1</sup>

| Йил-лар | Ўтказилган аудитлар сони | Аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари | Яширилган даромадлар (млрд сўм) | Ҳисобланган солиқ (млрд сўм) | Жарималар сони | Шикоятлар сони |
|---------|--------------------------|------------------------------------|---------------------------------|------------------------------|----------------|----------------|
| 2019    | 41200                    | 24800                              | 1 760                           | 1 430                        | 2 700          | 670            |
| 2020    | 37500                    | 22000                              | 1 480                           | 1 150                        | 2 100          | 540            |
| 2021    | 46800                    | 27600                              | 2 100                           | 1 690                        | 3 200          | 810            |
| 2022    | 53200                    | 31000                              | 2 740                           | 2 100                        | 3 800          | 920            |
| 2023    | 59800                    | 35400                              | 3 200                           | 2 670                        | 4 500          | 1 200          |

Юқорида келтирилган жадвалдаги маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, 2023 йилда ўтказилган солиқ аудитлар сони 59800 тани ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан деярли 1,5 баробарга кўпайганини кўришимиз мумкин. 2020 йилда ўтказилган аудитлар сони, аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари, яширилган даромадлар миқдори, қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари, жарималар ва шикоятлар сонини 2019 йилга нисбатан динамик ўзгариши камайган бўлсада, 2023 йилгача бўлган даврларда ушбу кўрсаткичларнинг барчасини динамик ўзгариши ортганлиги қайд этилган.

2020 йилда Ўзбекистонда ҳам коронавирусга қарши курашиш учун карантин чораларини жорий

қилинганлиги сабабли кўплаб корхоналарнинг фаолиятини чекланиши оқибатида ўтказилган солиқ аудитлари ва бошқа кўрсаткичларнинг камайишига сабаб бўлган. Бундан ташқари мамлакатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналарга солиқ таътиллари ёки турли хил солиқ имтиёзлари берилиши натижасида солиқ аудитини амалга оширишга бўлган талаб камайган.

Солиқ органлари электрон платформалар ва ахборот тизимларидан фойдаланиб, солиқ тўловчиларининг ҳисоботлари ва декларацияларини тез ва аниқ текширишни йўлга қўйди. Бу автоматлаштирилган жараёнлар 2021-2023 йилларда солиқ аудитини

<sup>1</sup>www.stat.uz – О‘zbekiston Prezidenti xuzuridagi davlat statistika agentligi rasmiy sayti.

[Электрон солиқ хизматлари - Soliq.uz](https://soliq.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

кўпайтиришга сабаб бўлди, чунки уларга қўлланилаётган янги усуллар кўпроқ хатоларни ва низоларни аниқлаш имконини берди. Бундан ташқари 2021-2023 йилларда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес субъектлари сонининг ўсиши, янги тадбиркорларнинг фаолиятга киришиши ва янги тармоқлар пайдо бўлди. Бу эса корхоналар учун солиқлар тўлаш, солиқ

юкламалари ва ҳисобот бериш масалаларида янги муаммоларни келтириб чиқариши натижасида солиқ аудитларини ўтказилишини юзага келтирган.

Ўтказилган солиқ аудити натижалари таркибини ўрганиш мақсадида соҳалар кесимида таҳлилини кўриб чиқамиз (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Солиқ аудити натижаларини соҳалар кесимида таҳлили<sup>2</sup>

| Соҳалар                   | Аудит-лар сони | Жами аудитдаги улуши, %да | Аниқлан-ган қонун-бузарлик-лар | Жами қонунбу-зарликдаги улуши, %да | Яширил-ган даромад (млрд сўм) | Жами яширилган даро-маддаги улуши, %да |
|---------------------------|----------------|---------------------------|--------------------------------|------------------------------------|-------------------------------|----------------------------------------|
| Савдо ва чакана хизматлар | 21 000         | 35,12                     | 13 500                         | 38,14                              | 1 200                         | 37,50                                  |
| Қурилиш                   | 8 300          | 13,88                     | 5 400                          | 15,25                              | 630                           | 19,69                                  |
| Ишлаб чиқариш             | 7 200          | 12,04                     | 4 300                          | 12,15                              | 480                           | 15,00                                  |
| Қишлоқ хўжалиги           | 6 500          | 10,87                     | 3 200                          | 9,04                               | 310                           | 9,69                                   |
| Бошқа хизматлар           | 16 800         | 28,09                     | 9 000                          | 25,42                              | 580                           | 18,13                                  |
| <b>Жами</b>               | <b>59 800</b>  | <b>100</b>                | <b>35 400</b>                  | <b>100</b>                         | <b>3 200</b>                  | <b>100</b>                             |

Юқоридаги жадвалдаги кўрсаткичлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтказилган аудитлар, аниқланган қоидабузарликлар, яширилган даромадларнинг миқдорлари бўйича асосий улушни савдо ва чакана хизматлар, ундан кейин бошқа хизматлар соҳасига тўғри келмоқда. Савдо ва чакана хизматлар соҳасида солиқ аудитлари натижаларида асосий улушни ташкил этишнинг асосий сабабларидан ушбу соҳада накт пул билан ўзаро ҳисоб-китобларни улуши юқорилиги, фаолият ҳамда ҳисоб-китоб механизмларини

рақамлаштирилмаганлиги ва солиқ юкларини ноқонуний камайитириш мақсадида даромадлар тўғри кўрсатмаслик омилларини келтиришимиз мумкин.


Юқоридагилардан келиб чиқиб эътироф этиш жоизки, солиқ аудитини бугунги кунда хуфиёна иктисодиётга қарши курашишнинг самарали механизмларидан бири саналади. Солиқ аудити натижасида ҳам давлат ҳам солиқ тўловчи учун кўплаб ижобий ютуқларга эришилади. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида тузатиш орқали ортиқча

<sup>2</sup>www.stat.uz – О‘zbekiston Prezidenti xuzuridagi davlat statistika agentligi rasmiy sayti.

[Электрон солиқ хизматлари - Soliq.uz](#) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

жарима ва санкциялар, айланма маблағлари етишмоқчилигининг олди олинади.

Олиб борилган изланишлар натижасида солиқ аудитининг самарали натижалари тизимлаштирилди (1-расм).



1-расм. Солиқ аудитининг самарали натижалари<sup>3</sup>

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, солиқ аудити бизнес ва солиқ маъмурчилиги ўртасида кўприк вазифасини ўтайди ва ўзаро англаш тамойилига кўра солиқ рискларини пасайтириш орқали инсофли солиқ тўловчи сифатида давлат идоралари ва инвесторлар ишончини қозонишга кўмак беради.

Солиқ аудитини самарали бошқариш, қонунчиликни бажариш ва солиқ тўловчиларнинг адолатлиликлари таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Замонавий технологиялардан фойдаланиб, тушунтиришлар, малакали кадрлар ва аниқ аудит жараёнларини

ишлаб чиқиш асосида мамлакатимизда тўғри самарали солиқ сиёсатини юритишга, хуфиёна иқтисодиёт улушини

камайтиришга, инвесторлар учун ишончни оширишга замин яратилади.

### Хулоса

Солиқ аудити борасида олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди.

Биринчидан, солиқ аудити фақатгина назорат механизми эмас, балки давлат, бизнес ва жамият ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тўғри ва адолатли йўлга қўйиш воситасидир. Унинг долзарблиги замонавий иқтисодиётда, хусусан, “яширин

<sup>3</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

иктисодиёт”га қарши самарали курашиш шароитида янада ошади, чунки у нафақат молиявий тартибни таъминлайди, балки иқтисодий ривожланиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва институционал муҳитни шакллантиради.

Иккинчидан, мамлакатда бизнес муҳитини тубдан яхшиланиши, ҳисоб ва ҳисобот тизимининг соддалаштирилиши, тадбиркорлик субъектларига эркинлик берилиши, уларни тешкиришларга “мораторий” жорий қилинган бир вақтда хуфийна айланмаларнинг ортиши ҳолатлари кўпаяди. Бу эса солиқ аудитига нодавлат секторни кенг жалб қилишни тақозо этади. Шу боисдан, аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳати борасидаги субъектлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрий тарздаги солиқ аудитини ўтказиш ташаббусларини кўллаб-қувватлаш ва давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Учинчидан, солиқ соҳасида жадал ислохотларни амалга ошириш натижасида электрон тизимларнинг ривожланиши, рақамли технологияларни кенг қўлланилиши, масофавий солиқ хизматларини кўрсатиш ҳажмининг кескин ортиши натижасида тадбиркорлик субъектлари бухгалтерлари томонидан янгиликларни етарлича ўзлаштира олмаслик натижасида ҳам кўплаб муаммолар ва солиққа оид қоидабузарликлар келиб чиқиши маълум бўлди. Бу эса солиқ органлари томонидан солиқ аудитларини кучайтириш ва уларни ижро этишга бўлган талабни ортишига сабаб бўлмоқда. Бунда шаффофли ва рақамли аудиторлик тизимини жорий қилиш, солиқ декларациялари ва ҳисоботларини автоматик текширишни тизимлаштириш, шунингдек, тадбиркорлар учун янгиланган солиқ қонунчилигини онлайнинг ахборот шаклида тақдим этиш шакллари кенг жорий этиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар тўғрисида президент маърузаси, 2024 йил 16 январ;
2. Ўзбекистон республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси, 140-модда, 30.12.2019 йил.
3. “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1-сон қарори, 07.01.2021 йил;
4. “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ПФ-6098-сон, 30.10.2020 йил;
5. “Ўзбекистон Республикасида «Яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 394-сон, 20.06.2020 йил;



6. А.Б.Абдуллаев, “Корхона солиқ мажбуриятларини самарали бошқаришни таъминлашда солиқ аудитининг роли”, илмий мақола, ноябр 2023 йил;
7. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат статистика агентлиги расмий сайти;
8. [Soliq.uz](http://Soliq.uz) – Электрон солиқ хизматлари.